

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2011
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Қ.ҮРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙҰЛДОШ ҚОРИ

Висмут-сурма теллурид юпқа пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАЙТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш 13

М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни а-фенилэтилспирт билан алкиллаш 19

Ш.МУХИДИНОВА

Ташқи мухит ва мактабгача таълим муасассалари обьектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари 24

Г. ЮЛДАШЕВ, Г. СОТИБОЛДИЕВА

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари 29

О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕҲҚОНБОЕВА

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамоиллари 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар 38

А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили 41

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни 46

А.САЛМОНОВ, Д.ЮСУПОВ

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) 50

А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда учмас из қолдирган олима 53

Б.УСМОНОВ

Фарғона водийсининг Амир Темур давлати таркибиға киритилиши 56

М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ

Зарафшон воҳаси дехқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари 60

УДК: 93/930.266

ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ДЕҲҚОН ЖАМОАЛАРИ ВА ЧОРВАДОРЛАР МАДАНИЯТЛАРИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИ

М.Исомиддинов, У.Мелиқўзиев

Аннотация

Мақолада Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари олиб борилган назарий тадқиқотлар натижаси асосида ёритилади. Бунда асосий эътибор воҳадаги Саразм, Замонбобо, Тўқайтепа ёдгорликларига қаратилиб, уларнинг шаклланиши ва ривожланишига воҳа, унинг атрофидаги чорвадорлар маданиятларининг таъсири ҳақида сўз юритилади.

Аннотация

По результатам исследования в статье освещается взаимосвязь культуры земледельческих сообществ и животноводческой культуры в Зарафшанской области. Рассматривается влияние животноводческой культуры, уделяется особое внимание развитию и формированию исторических памятников в области Саразм, Замонбобо и Тукайтепа.

Annotation

This article is devoted to the correlations between Zarafshan oasis peasant communities and cattle-breeders' culture on basis of the theoretical experiment results. The main attention is pointed to Sarazm, Zamонbobo and Тоqaytепа memorials and cattle-breeders' culture affections to their formations and developments.

Таянч сўз ва иборалар: Саразм, Замонбобо, Тўқайтепа, Зарафшон воҳаси, деҳқон жамоалари, чорвадорлар маданиятлари.

Ключевые слова и выражения: Саразм, Замонбобо, Тукайтепа, Зарафшанская долина, крестьянское сообщество, животноводческая культура.

Key words and expressions: Sarazm, Zamонbobo, Тоqaytепа, Zarafshon oasis, peasant communities, cattle-breeders' culture.

Мамлакатимизнинг тарихан таркибий қисми бўлган Зарафшон воҳаси аждодларимиз тараққиёт тарихини ифодалаб берувчи хилмажил манбаларга ниҳоятда бойлиги билан Марказий Осиёда алоҳида ўрин тутади. Воҳанинг энг қадимги тарихини ўргангандар археологлар Я.Фуломов, Н.Тошкенбоев, Р.Сулаймонов, М.Жўракулов каби олимлар бу ҳудудда кишилик маданияти палеолит давридан эътиборан узлуксиз ривожланиб келганини асослаб берганлар. Тадқиқотлардан шу нарса кўринадики, мазкур минтақада яшаган аҳоли ўз даврига нисбатан юксак маданият соҳиблари бўлганлар, қўшни ўлкалар маданиятига ижобий таъсир кўрсатганлар. Масалан, воҳада қўлланилган меҳнат воситаларининг анъаналарини, Ҳиндистоннинг Соан маданиятида, Обираҳмат, Кўлбулоқ, Марказий Қозоғистон ҳамда Тожикистоннинг палеолит ёдгорликларида кузатишимиш мумкин [7.14-15].

Милоддан аввалги IV-III минг йилликлар давомида Ўрта Осиё ҳудудида ёнма-ён иккита маданий-хўжалик ҳудудлари мавжуд эди. Жанубий-ғарбда илк деҳқончилик билан шуғулланувчи жамоалар яшаса, минтақанинг қолган ҳудудларида овчилик ва балиқчилик

билан шуғулланувчи қабилалар яшар эди. Албатта, бу икки ҳудуд жамоалари бир-бирлари билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларсиз яшай олмаганлар. Ҳар икки томон жамоаларининг озиқ-овқат ва кийим бошга бўлган кундалик эҳтиёжларининг ошиб бориши, шубҳасиз, улар ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатилишга олиб келган. Бу алоқалар дастлабки металлар кашф этилиб, улардан меҳнат ва ҳарбий жанговор қуроллар ишлаб чиқариш бошланган даврдан яна ҳам ривожлана бошлади.

Милоддан аввалги III минг йилликнинг охири ва II минг йилликнинг бошларида Ўрта Осиёда давом этажетган минтақавий ривожланишининг характеристи ва улар ўртасидаги ҳудудий чегаралар доираси ўзгариб, қадимги деҳқончилик ҳудудлари кенгайиб борди. Ўрта Осиёнинг жанубий ғарбида неолит даврида ташкил топган деҳқон жамоаларининг янгидан-янги манзилгоҳлари энеолит даврига келганда Зарафшон воҳасига ҳам кириб келди. Ана шундай ёдгорликлардан бири юқори Зарафшон водийсида қад кўтарганд, сўнгги энеолит ва бронза даврларида тегишли бўлган Саразм ҳисобланади. Бу ёдгорлик қадимги деҳқончилик маданияти қабилаларининг ноёб ёдгорлиги бўлиши билан бирга Ўрта Осиё

М.Исомиддинов – ФарДУ, тарих фанлари доктори, профессор.
У.Мелиқўзиев – ФарДУ Ўзбекистон тарихи йўналиши магистранти.

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

минтақасида йирик металлургия маркази сифатида ҳам машхурдир. Зарафшон төгизмаларининг водийга яқин жойида қадимдан Канчач, Ёри ва Жилоу полуметалл конлари мавжуд бўлиб, археологик маълумотларга кўра ана шу маъдан конлари энеолит ва бронза даврида Саразм металлургия марказини таркиб топишига олиб келган. Қадимги Саразм аҳолисининг анъанавий машғулоти дехқончилик бўлиб, улар Отчопар сойи ҳосил қилган Ойимкўл атрофида зироатчилик билан шуғулланган.

Қадимги Саразм аҳолисининг моддий ва маънавий ҳаёти ва археологик мажмуаларининг илмий таҳлили унинг келиб чиқиш илдизлари биринчи навбатда жанубий минтақаларнинг қадимги дехқончилик жамоалари билан узвий боғлиқ эканлигини кўрсатади. Аникроғи, Зарафшон водийси қадимги дехқончилик ўчоининг илдизлари Саразм I дан топилган сополларга кўра Жанубий Туркманистоннинг кўксур (геоксюр) vohasi жамоаларига бориб тақалади. Саразмнинг археологик тадқиқотлари билан муңтазам шуғулланган археолог А.Исақов, уларнинг кўчиб келиш сабабларини Тежен дарёсининг сув ресурсларини камайиши туфайли юз берган экологик шароит билан боғлайди [6.100-103]. Яна бир тадқиқотчи Д.Джурақулова эса геоксюрли жамоаларнинг бир қисмини Зарафшон водийсига мигратсиясига кўпроқ Юқори Зарафшондаги маъдан конлари сабаб бўлган деган фикрни билдиради [2.143]. Бундан ташқари Саразм маданияти келиб чиқиши негизида геоксюр илдизлари асосий этник компонент бўлиб қолгани ҳолда, унинг шаклланишини илк босқичлари даврида яна бир бошқа этник гуруҳлар иштирокини борлигига ишора қилувчи топилмалар борки, улар Ҳиндукушдан жанубда истиқомат қилувчи қадимги дехқончилик жамоаларига бориб тақалади. Бу топилмалар Саразм I босқичига тегишли бўлган оиласвий хилхонадан топилган ва денгиз чиғаноғидан ишланган билагузуклар бўлиб, улар, айнан, Ҳинд денизи минтақаларидан келтирилган. Шу давр сополлари сиртига ишланган рангли нақшларнинг услубий безаги эса Белужистоннинг Шаҳри Сохта маданияти сополларини эслатади [5.160]. Бундай алоқаларнинг заминида Зарафшон металининг экспорти ётади. Бу жараён Саразм маданиятининг барча босқичларида ривожланишда давом этди.

Саразм металлургия марказларининг довруғи нафақат жанубий минтақалар, балки шимолий чорвадор жамоаларигача етиб боради.

Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталаридан Евроосиё чорвадор орийларининг жанубга кўчиши муносабати билан бу маъдан конлари улар қўлига ўтиб, бевосита конлар яқинида чорвадор орийларнинг манзилгоҳлари ва қабристони пайдо бўлади. Ана шу тарихий воқеиликлардан ёдгорлик сифатида бизгача маъдан конида ишлаган тутқунларнинг қабристони сақланиб қолган [1.232].

1987 йилда Даشتி Қазо қабристонида 27 та қабр очилди [4.145-167]. Ҳар бир қабрда 1 та, баъзан 2 тадан, ҳатто 3 киши кўмилган эди. Бир қабрда бир вақтнинг ўзида кўмилган 7 кишини скелетлари учратилган. Эҳтимол 3 ёки 7 кишилик қабрлар конда юз берган ўпирилиш вақтида ўлганлар билан боғлиқдир. Одатда жамоавий қабрларда болалар скелети ҳам учрайди. Аммо бу ердаги скелетлар ҳаммаси катта ёшдагиларга тегишли. Боз устига, 7 киши кўмилган 25- қабрда биронта ҳам ашёвий далиллар учратилмаган. Қолган қабрлардан даштиликлар маданиятига тегишли бир донадан оддий сопол идиш, мархуманинг шахсий тақинчоқлари: бронза билагузук, оддий сирға ва мунҷоқлар топилган [4.145-167].

Антропологик материалларнинг таҳлилидан шундай хулоса қилиш мумкинки, юқорида номлари санаб ўтилган Зарафшон воҳасидаги конлар милоддан аввалги XIII асрда Зарафшон водийсига кириб келган туркий тилли чорвадор орийлар томонидан уларнинг эгалари саразмликлардан тортиб олиниб, уларни конда ишлашга мажбур этадилар. Тўқайтепада саразмликлар билан чорвадор аҳоли биргаликда металлни қайта ишлаш билан шуғулланганлар.

Зарафшон водийсида топиб ўрганилган чўл минтақаларга хос моддий маданият обидалар мажмуасининг энг қадимгиси Замонбобо маданиятидир. Бу маданиятга тегишли илк бор очилган ёдгорлик Замонбобо қабристони бўлиб, у 1950-1953-йилларда Я.Фуломов томонидан ўрганилди. 1961-1962-йилларда археолог А.Асқаров унга тегишли бўлган маконни топиб ўрганди [3.118].

Замонбобо маданиятининг тарихий келиб чиқиш илдизлари Калтаминон маданиятининг Зарафшон водийсига хос Дарвазақир вариантига бориб тақалади. Замонбобо маконининг шимоли-шарқий бурчагида солинган шурфда тақир сатҳидан

160 см. чуқурлиқда юпқа маданий қатлам борлиги аниқланған. У ердан топилған сопол идишлар лойининг таркиби ва тухумсимон идишлар шакли Замонбобо маданиятининг сопол буюмларини эслатар эди. Унинг шаклланишида Жанубий Туркманистоннинг Намозгоҳ IV маданияти ва Саразм маданиятининг хўжалик таъсири дастлаб катта бўлган. Умуман олганда Замонбобо маданияти Зарафшоннинг қуи ҳавзасида, икки минтақа жамоалари ўзаро иқтисодий алоқаларининг натижаси сифатида, маҳаллий аҳоли этник асосида шаклланди [3.118]. Ушбу маданият соҳиблари иқтисодий ҳаётига жанубий қўшиларнинг хўжалик ихтиrolари катта таъсир кўрсатган.

Замонбобо аҳолиси улардан бошоқли экинлар экишни, дехқончиликнинг илғор тажрибаларини ўрганди. Кулолчилик чархидан фойдаланишни, икки камерали хумдонларда сопол пиширишни, яrim қимматбаҳо ранг-баранг тошлардан нафис санъат асарлари даражасида мунчоқлар ясаш, уларни пардозлаш ва тешиш техникасини ўрганди. Қуи Зарафшон қабилаларининг жанубий жамоалар билан олиб борган ўзаро маданий ва хўжалик алоқалари охир-оқибатда иқтисодий ҳаёти хонаки чорвачилик ва мотига дехқончиликка асосланган Замонбобо маданиятининг шаклланишига олиб келди [3.170]. Бироқ ушбу маданият таркиб топган минтақанинг табиий-географик шароити Замонбобо маданияти базасида сугорма

дехқончилик хўжалигининг ривожланишига йўл бермади. Сув танқислиги туфайли юз берган дашт зоналарига хос табиий-географик шароит бронза даврига келганда чорвачилик йўналишини жадал ривожланишига олиб келган. Милоддан аввалги II минг йиллик иккинчи ярмида бу ҳудудларга кўчманчи чорвадор орий қабилаларининг кириб келиши ҳам чорвачиликни хўжаликнинг устувор йўналишига айланишида катта рол ўйнаган.

Зарафшон водийсининг Самарқанд теварак-атрофидан топиб ўрганилған бронза даври дашт қабилаларининг маданиятида қадимги дехқончилик жамоаларининг таъсири сезиларли даражада кўзга ташланади. Масалан, 1987 йил Самарқанддан 16 км шарқда топиб ўрганилған Тўқайли манзилгоҳи сопол комплексининг таркибига кўра Тўқайлида икки хил этник гурӯҳ жамоалари бирга яшаганлигини кўришимиз мумкин. Чунки топилған кулолчилик маҳсулотлари орасида кўлда ясалган, дағал, сирти учбурчак, синиқ чизиқли чизма нақш билан бирга силлиқ қилиб пардозланган, оч қизғиши сирли сополлар ва кулолчилик чархида ясалган Саразм IV даврининг ғишт рангли сополлари ҳам учрайди. Айни шу ҳолат чорвадор туркий тилли даштикларнинг Зарафшон водийсининг сўғдийзабон қадимги дехқончилик маданияти жамоалари билан илк бор аралашиб, қоришиб, балким маҳаллий тиллар билан қўшилиш жараёнлари юз берган бўлиши мумкинлигини англаради.

Адабиётлар:

1. Аскаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. Джуракулова Д.М Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври қабилалари маданияти. – Самарқанд, 2009.
3. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскаров А. Первобытная культура и орошающее земледелие низовьев Зарафшана. – Т.: Фан, 1966.
4. Исаков А., Потёмкина Т.М. Могильник племен эпохи бронзы в Таджикистане. СА №1, 1989.
5. История таджикского народа. Том 1. – Душанбе, 1998.
6. Исаков А. Саразм. К вопросу становления раннеземледельческой культуры Заравшанской долины. – Душанбе, 1991.
7. Журақулов М. Зарафшон воҳаси тамаддуни илк илдизлари саҳифасидан // ИМКУ, вып. 34. – Самарқанд, 2004.